


СЕКТОР РАҲБАРЛАРИ КУБОГИ УЧУН СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА



Хабар берган эдик, Қумқўрғон тумани 4-сектор ҳудудига қарашли маҳаллалар ўртасида “Сектор раҳбарлари кубоги учун” спортнинг волейбол ва футбол турларида мусобақаларга старт берилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда 4-сектор раҳбари, туман ДСИ бошлиғи З.Турсунов, туман ҳокимининг ўринбосари Н.Алланазаровлар иштирок этиб, мусобақа иштирокчиларига омад тилади.

Ушбу мусобақанинг финал босқичи ва тақдирлаш маросими эртага, 20-феврал куни бўлиб ўтади.